

ЧИЛОНЗОРДА «ЎЗБЕКИСТОН» МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат программасини бажариш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу борада Тошкент шаҳар матбуот жамияти олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир. Биргина шу йилнинг ўзида матбуот жамияти томонидан ўнлаб савдо шохобчалари барпо этилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Ана шундай магазинлардан бири яқинда «Чилонзор» метро станцияси ёнида очилди. «Ўзбекистон» деб ном олган ушбу магазин «Узқоопстроймонтаж» қурилиш таъкилотли бунёдкорлари томонидан қурилди. Мазкур ма...

М. ШОЮСУПОВА.

Чилонзор районининг Фарҳод ва Ал-Хоразмий кўчалари кешиган жойда район ошоналар трестининг ўқув-оқитишни комбинатига қарашли, бундан қарийб 5 ой муқаддам очилган «Алломиш» савдо комплекси доимо гавжум. Район аҳолиси бу ерда кундалик рўзгор маҳсулотларини харид қилишга қўлай, «Ветеран» чойхонасида танаовул қилишлари, десерт-барда салқин ичимликлар ва ширинликларни табиб кўришлари мумкин. Ушбу савдо комплексида бир йўла 200 дан зиёд кишига хизмат кўрсатилади. Савдонан тушган даромадининг маълум бир қисми райондаги 32 мактаб ошоналари аҳолининг яхши-лашга сарфланадими.

Суратларда: «Алломиш» савдо комплекси ҳамда «Ветеран» оталар чойхонаси.

Суратчи Р. АЛБЕКОВ.

«ТЕЛЕГРАММА. Тошкент Ленинград кўчаси, 32-уй. «Тошкент ҳақиқати» редакциясига. «Орбита-сервис» раҳбарларига радиодеталлар сўраб ёзган танқидий хатим учун улар мени судга беришмоқчи. Ердан сўраб радиомеханик Шадрин.

ТЕЛЕГРАММА йўлга чорлади. Радиомеханикнинг уйдига мўъажазгина устaxonасиданми.

Касбимдан нолимайман. — дейди уста. — 35 йилдан бери шу соҳада ишлаб келаман. 1986 йилча «Орбита — сервис» бирлашмасининг Оржоникиде районидagi Салор посёлқасида жойлашган филиалида ишладим. Сўнг ишдан бўшадим, аниқроғи бўшашга мажбур қилишди. Шундан бери уйда яқна тартибда меҳнат билан шугулланиб келаман.

Николай Шадрин ўзининг камтарин меҳнати билан халқ орасида ҳурмат қозонган. Посёлқада истифодат қилувчи каттадан-кичики уни «Николай уста» деб эъзозлайди.

Қайта-қуриш-қайта қуриш деб жар солаверганимиз билан биронта ҳам ўзгариш бўлмас экан. Қайта қуришни ҳар бир одам ўзидан бошламоғи керак, деб тўғри айтилган. Лекин мен бу нақлга амал қилиб маломатга қолдим. Айни пайтда ҳақиқат гувиқлади-ю синмайди, деган гапининг ҳақиқатига бир қарра ишонч ҳосил қилдим. — дейди уста.

Қайта қуришнинг илж шабадаси бошланиши билан Шадрин «Бизнинг устaxonада ҳам ўзгаришлар бўлиши керак» деб бу ердаги камчиликларни рўй-рост кўрсати республика «Узбытрадио-техника» (ҳозирги «Орбита-сервис») бирлашмасига хат ёзди. Жумладан бу хатда, наярлард хисоботи тўғри олиб борилади, кунлик иш ҳақлари ўзлаштирилади, миқдорлардан нафолатдаги радио-телевизорларни ремонт қилиш учун ҳам пул талаб қилинади. Сингари қайдалар бор эди. Қўнчилик хали қайта қуришнинг моҳиятини тўла англаб етмаган 1985 йилда бундай гаплар нимга ҳам ёқарди. Хат юзасидан текшириш кетаётган бир даврда одамлар Шадриннинг калта-фаҳмликида, оқинликда айб-лашди. Бирлашма директорининг ўринбосари А. Фурзиқовнинг жаюби ҳам шундай юзакли бўлди. Хатто бу жаюбада Шадриннинг ВТЭК (врачлик техника экспертиза комиссияси)дан ишлашга рухсат берувчи ҳужжати йўқлиги ҳам рўқна қилинди. Янаюба шунингдек, Шадриннинг мияси шикастлангани тўғрисидаги даъволар ҳам бор эди. Уста тухмат тошга лош беролмай оғир хасталикка дучор бўлди. Николай Шадрин ёшлигидан II группа инвалиди. Фақат унинг мияси эмас, оёғи ногирон. ВТЭКдан эса унинг

га турмушга чиқди. Уйда эса кизининг пинаниоси қолди. Энди пинанио уйда ортиқчалик қилади, ҳеч кимга керак эмас, уни сотиб юборса бўлади. Йўқ, уста уни сотмайди, пинаниони пионерлар уйига совга қилмоқчи. Газетамизнинг 8 август сонидagi «Саховат» сарлавхали мақолада уста Николай Шадриннинг пахтакорга радиоприёмлик совга қилгани ёзилган. — Яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланиш учун йилга 360 сўм

эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга ердан беришларини сўраб хат ёзди. Шу сабаб бўлиб уста «Узэлектротриборторг» идорасидан майда-чуйда эҳтиёт қисмлар ола бошлади. Лекин кўп керак бўладиган трансформатор, трубка каби йирик қисмлар эса у ерда йўқ.

— Мен давлат ва кооператив корхоналар билан рақобат ўйнамоқчиман, — дейди уста. Давлат гапга кўнчи. Лекин кимдир бу оқиш рақобатдан қўчилади, яна

Икинчидан, менга Тошкентдаги Турсунқуллов кўчасида жойлашган «Комиссион савдо бўйича хўжалик ҳисобидаги регионал тижорат маркази»дан эҳтиёт қисм олишим мумкинлиги маслаҳат берилган. Бу комиссия савдо марказида эса вақтинчалик ишлатишга яроқли бўлган эҳтиёт қисмларгина сотилади. Мен фирмон иш қилишга ўрганмаганим, менга янги эҳтиёт қисмлар керак. Ва охиригиси...

Охиригиси — даг-дага! «...Хатингизда бизга нисбатан тухмат сўзлар келтирганисиз. Гуё «Орбита — сервис» бирлашмаси радиодеталларнинг қайқов бозорига чиқишида воситачи бўлиб қоляпти». Ушбу тухмат сўзларингиз учун кеңирим сўранг, бўлмаса сизни судга берамиз».

— Мен хаста одамман, далилларим етарли бўлса, улар билан суддалик юришга қувватим етмайди, — дейди уста синиқ овозда. — Қўл силтаб, кеңирим сўраб хат ёздим. Охирида «кеңирим сўраганим билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди» деб қўшиб қўйдим.

Николай Шадрин билан бўлиб ўтган воқеалар шу. Уста қабулга келган миқдорларни қайтаргани, сира хафа қилгани йўқ. Ҳаммасидан ҳам миқдорларга хизмат ҳақининг арзонлиги маъқул. Бироқ, қайсар, бетгаюпар устанинг ўзи ҳам, иши ҳам бирлашма раҳбарларига маъқул эмас. Шадриннинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, унга амалий ёрдам бериш ўрнига судга бериш билан пўписа қилинмоқда. Нега? Ахир уста бирлашма устaxonаларида аҳолига кўрсатиладиган хизматнинг кўрсатилиши, одамлар унинг иши сифати ва арзон баҳосидан миннатдор-ку! Афсуски, масаланинг бу томони мутаассадиларни заррача қизқитирмайди. Аксинча, улар нима қилиб бўлса ҳам Николай Шадринни ишдан четлаштириш йўлларини қидирмоқда.

Менимча, бу қайта қуриш даврининг эмас, турғунлик йилларининг айрим одамлар онгига чуқур ўраниш қўлини иш қилишга устулбидир. Назаримда, ҳозир Шадринга ўшагағаллардан ўч олиш эмас, уларни эъзозлаш, одамларга янада кўпроқ фойдаси тегиши учун кўпроқ имконият яратиб бериш зарур.

А. ҒУЛОМОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Мухтар газетхон, Сиз Николай Шадрин билан бирлашма маъмурияти ўртасида дуқудга келган бу эъдиқатни қандай баҳолайсиз? Айниқса «Николай уста»ни танийдиган юзлаб миқдорларнинг уста ва унинг иши тўғрисидаги фикрларини, шунингдек барча газетхонларнинг радиотелеустaxonалар фаолияти ҳақидаги фикрларини билиши истардим. Уста билан яқиндан танишиш истаги туғилган газетхонларга унинг уй адресини маълум қиламиз: «Салор посёлқаси, Ленин кўчаси, 1/2 уй, 27-квартира».

ХАЙВОНОТ БОГИДА



Пушти филинголар.



Биринчи тайишув.

СПОРТ

ФУТБОЛ

Биринчи лига командалари ўртасида ўтказилётган СССР биринчилиги мусобақалари тугашига тўққиз тур қолди. Кунги кеча улар 35-тур ўйинларини ўтказишди. Тошкентнинг «Пахтакор» коллектив Оржоникиденнинг «Спартак» футболчиларини қабул қилишди. Деярли тенг кураш остида ўтган мазкур ўйиннинг биринчи бўлимида дарвозалар дохилсиз қолди. 85-минутда пахтакорчи Альберт Сарава томонидан киритилган ягона тўп ўйин текдирини ҳал этди. Шундан кейин пахтакорчилар 34 ўйиндан сўнг 39 очко жағғариб турини жадалнинг 5-поносидада боришмоқда. Чемпионатда яқна пешқадамлик қилаётган МАСК коллективи бу сарф «Даугавани» қабул қилиб, 1:1 ҳисобида ўйнади. Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Қайрат» — «Нефтчи» — 2:0, «Геолог» — «Металлург» — 2:0, «Шинник» — АСК (Р) — 2:2, «Гурия» — «Торпедо» — 3:1, «Ди-

СПОРТ


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориеқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУЪТЛИГИ САРОИДА 3, 4 октябрь соат 19.00 да М. ҚОРНЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ НУРИДДИН ХАЙДАРОВ НУЦЕРТИ Программани — артист Уткир СИДДИҚОВ олиб боради. Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 14.00 дан бошлаб сотилмоқда.



ТОРТНИНГ УСТИГА МЕН «ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ БИЛАН» ДЕВ ЁЗАМАН!

Агар рўзгорингизда миксер бўлмаса, ШПРИЦ-КЎПИРТИРГИЧ сотиб олишни маслаҳат берамиз. Бундай шприц гул солибгина қолмай, кремни кўпиртириб ҳам беради. Крем учун мўлжалланган шприц ёрдамида тортни гуллар билан ясаиш, унинг устига чиройли ёзув тушириш, пироженонинг ичига крем солиш мумкин. Крем учун мўлжалланган шприц-кўпиртиргичнинг баҳоси — 2 сўм 80 тийин. Крем учун мўлжалланган шприцнинг баҳоси — 1 сўм 45 тийин. САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА! «ЎЗХОЗТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРА ОЛГУРЖИ БАЗАСИДА ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ШПРИЦ-КЎПИРТИРГИЧ ВА КРЕМ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ШПРИЦЛАР БОР. Телефон — 96-07-12.



«ЎЗХОЗТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРА ОЛГУРЖИ БАЗАСИ

СБЕРЕГАТЕЛЬНЫЙ БАНК С С С Р ДАРОМАДИНГИЗ ЙИЛИГА УЧ ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Агар пулингизни қўшимча бадаллари билан муддатли омонатга қўйсангиз шундай даромад олишингиз мумкин. Бундай омонатлар камда бир йил муддатга қабул қилинади. Ушбу омонат бўйича дастлабки ва қўшимча бадаллар нақд пул билан қўйилиши ёни омонатчининг иш жойи бухгалтерияси томонидан пул ўтказиш йўли билан қўйилиши мумкин. Ҳар бир қўшимча бадалнинг миқдори 100 сўмдан кам бўлмалиги лозим. Омонат пули тўла-тўқис қўшимча бадаллар билан биргагина олиниши мумкин. Сўтда бир йилдан кам сақланмаган пул бўйича омонатчи омонат муддатини бузмаган ҳолда тегишли процентларини олиши мумкин. Сўтда бир йилдан кам сақланган пул бўйича омонатчига даромад тўланмайди.

СССР ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ БОШҚАРМАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. Мухаррир ўринбосарлари — 335885, 325747, 3379 16; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 32 5750; ВУЛИМЛАР: идеология — 325778; агросаноат — 325647; sanoat, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.